

Аутсортинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА № 10/1

Андижон шаҳар

“ 05 ” Январь 2022 й

Андижон вилоят тери таносил касалликлар диспансери номидан Низом асосидан фаолият юритувчи К.М.Ёркулов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва “ Мавлонбек юксак барака ” МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор Ф.Усмонов (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартнома предмет

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар хар куни Буюртмачини даволанаётган беморларига кунлик иссиқ овқат тайёрлаб бериш хизматини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив - ҳуқуқий ҳужжатлари билан бергиланган санитария – гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда , Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати;

2022 йил 05 январ кунидан,

2022 йил 31 декабр кунигача,

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер куйидаги ҳуқуқларга эга;

2.1.1. Ижарага олинган мол мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник хизматдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур;

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланишни, сақлашни, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши шунингдек комунал харажатларини коплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника ёнгин меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидаларига нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиш;

2.2.3. Товар (ишлар хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюрмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириш ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этиши таъминланиши;

2.2.6. Хизматларни сифатли мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажимда кўрсатиш;

2.2.6. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан хизматлар сифатининг ёмонлашувиغا олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладигон ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати шунингдек тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали тажрибали кўйилган вазифани (хизматни ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган шунингдек белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига шунингдек ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши мазкур шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзоладигон тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни) ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъмирлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи кўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши курсатилиши) ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи кўйидагиларга мажбур;

2.4.1. Бажарилганишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни) ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

3. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 51 902 946 (Эллик бир миллион туккиз юз икки минг туккиз юз кирк олти) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. кўрсатилган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофик Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 кун банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонидан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

4. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоиз миқдорига пеня тўлайди, Бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. пеня (жарима) тўлаш томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. мазкур шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий -ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўлмайди.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартноманинг бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиш.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдигон ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

6. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулудда ҳатолар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса жавобгарликдан озод қилинади бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

7. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

8.Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календар йили давомида 31.12.2022 йилгача ёки муддатидан олдин бекор қилингунича қадар амал қилади.

9. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

“Мавлонбек юксак барака” МЧЖ

Андижон тери таносил касалликлар
диспансери

(етказиб берувчи номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Андижон тумани Ёрбоши ҚФЙ

Дамарик МФЙ

X/p : 20208000305130816001

АТВ С.Н.Е.К.И «SAVDOGAR BANK»

ANDIJON VILOYAT FILIALI

ИНН:306773728

МФО 00081

ОКОНХ: 46900

Манзил: Андижон шаҳар Ю.Отабеков куча №9

Тел./факс: 237-51-12

Ш х/в:100021860034017073201054007

СТИР: 200238132 ОКОНХ:91513

Газначилик булинмаси номи: Ўзбекистон
Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги

Газна х/в: 23402000300100001010

Банк номи:Марказий банк Тошкент ш.Бош
бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази

МФО:00014

Газначилик булинмаси СТИРи:201122919

Раҳбар: 


Ф.Усмонов


(имзо)

Раҳбар: 

К.М.Ёркулов

(имзо)

Юрист: 



Шартноманинг прогноз суммаси

T/p	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўл/бир	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирликлари сони	Жами сумма ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС 20%	Жами сумма ҚҚС билан
1	Январь	31	ноҳия	736212	7050,00	51902946		57902946
2	Февраль	28						
3	Март	31						
4	Апрель	30						
5	Май	31						
6	Июнь	30						
7	Июль	31						
8	Август	31						
9	Сентябрь	30						
10	Октябрь	31						
11	Ноябрь	30						
12	Декабрь	31						
	Шартноманинг жами суммаси	365/366						

Жами : 155 708 838 (Бир юз эллик беш миллион етти юз саккиз минг саккиз юз уттиз саккиз) сум 00 тийин

“Аутсорсер”

“Буюртмачи”



Рахбар:

Ф.Усмонов
(имзо)

Ф.Усмонов



Рахбар:

К.М.Ёркулов

К.М.Ёркулов

(имзо)

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон вилоят тери таносил касалликлар диспансери бош врач



С.М.Ёркулов
_____ К.М.Ёркулов

“05” Январь 2022 йил

**Андижон вилоят тери таносил касалликлар диспансери
танлов комиссияси йиғилиши**

БАЁНИ № 1

“ 5” Январь 2022 йил

Андижон шаҳар

Соат 10:00 да

Раислик қилувчи:
Л.Р.Тожибов

- Андижон вилоят тери таносил касалликлар диспансери бош врач муовини, ишчи-гуруҳ раиси

Қатнашдилар:

Танлов комиссияси аъзолари
(Рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ :

Андижон вилоят тери таносил касалликлар диспансерида аутсорсер хизматларини ташкил этиш (даволанувчи беморларни овқат билан таъминлаш) Анд.ш.Ю.Отабеков куча № 9 уй Андижон вилоят тери таносил касалликлар диспансери мажлислар зали танлов утказиш вақти 10:00)

(О.Маматрахимов, У.Абдуллаев, М.Талипов, К.Шакиров, У.Асранов)

Кун тартибидаги масала бўйича ишчи гуруҳи аъзоси К.Шокиров, ўз сўзида Андижон вилоят тери таносил касалликлар диспансерида аутсорсер хизматларини ташкил этиш, бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январ кунги №16-сонли Қарорининг 3 боб 9 бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарорига мувофиқ, давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатидан ташқари барча ҳолларда аутсорсерни танлаш, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича аутсорсер энг яхши таклифларни тақдим этган талабгорлар орасидан танлаб олиш, Танлов жараёнида катта иш тажрибасига, тегишли молиявий, моддий-техника ва логистика базасига эга бўлган талабгорларга устунлик беришга асосан 2021 йил утказилган тендерда голиб деб топилган “ Мавлонбек юксак барака ” МЧЖ билан шартнома имзоланганлиги ҳамда ҳозирда ушбу жамият томонидан беморларга сифатли иссик овқат етказиб берилаётганлиги тугрисида маълумот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан гуруҳ аъзоси О.Маматрахимов, ўз сўзида аутсорсерга “ Мавлонбек юксак барака ” МЧЖ га қуйилган талаблар яъний тадбиркорлик субъекти бўлиши;
аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши;
молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

конун хужжатларига мувофиқ фаолият тури лицензия ёки рухсатнома талаб этадиган фаолият турлари бўйича тегишли лицензияга ёки рухсатномага эга бўлиши тулик маълумотлар тақдим этканлиги ва hozirда ушбу маълумотларни 2022 йил учун қайта янгитдан тақдим қилганлигини билдириб утди.

Ишчи гуруҳ аъзоси, ҳуқуқшунос У.Асранов, ўз сўзида Андижон вилоят тери таносил касалликлар диспансерида даволанаётган беморлар учун иссик овкат тайёрлаб бериш хизмати сифатли ва марказ ходимлари ва беморлари томонидан қониқиш ҳосил қилинаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сон қарори 3-боб Аутсорсерни танлаш, шартнома тузиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби 11 бандига асосан Аутсорсинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома буюртмачи ва аутсорсер ўртасида календарь йил учун аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича намунавий шартномага мувофиқ икки нусхада тузилади. Бунда, аутсорсер томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни қониқтирган тақдирда, томонларнинг келишувига кўра шартнома муддати навбатдаги календарь йил учун узайтирилиши мумкинлигини инобатга олиб hozirда марказда фаолият олиб бораётган Аутсорсинг “Мавлонбек юксак барака” МЧЖ билан 2022 йил марказда даволанадиган беморларга иссик овкат тайёрлаб бериш хизмати учун ушбу йилнинг якунига қадар аутсорсинг хизматларидан фойдаланишни тақлиф қилди.

Кун тартибидаги масала ишчи гуруҳи аъзоларининг овоз бериш йўли билан муҳокамага қўйилди ва овоз бериш билан якунланди. Овоз бериш натижаларига кўра йиғилиш.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И.

1. “Мавлонбек юксак барака” МЧЖ ҳамда Вилоят тери таносил касалликлар диспансери томонидан 29 март 2021 йил тузилган № 10- сонли шартномани аутсорсер томонидан шартнома шартларининг тўлиқ бажарилиши ва буюртмачининг харажатлар сметасида ажратилган маблағ аутсорсерни қониқтирганлиги сабабли, томонларнинг келишувига кўра шартнома муддати ва қушимча келишув шартномалари 2022 йил якунига қадар белгилансин.

3. Марказ маъмуриятига “Мавлонбек юксак барака” МЧЖ билан жорий йилнинг якунига қадар ошхона фаолиятига оид аутсорсинг хизматларни бажариш учун шартнома тузишга рухсат берилсин.

4. Аутсорсерга хизматларни ташкил этиш учун ижара шартномаси доирасида вақтинча фойдаланишга берилган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналарини, шу жумладан тегишли инвентарлардан фойдаланганлик учун ижара тўлови ноль ставка бўйича берилиши таъминлансин шунингдек Аутсорсер томонидан фойдаланиладиган коммунал харажатлар учун алоҳида ҳисоблагичлар урнатилганлиги қушимча шартнома тузишдан олдин бажарилиши таъминлансин.

Комиссия раиси: Бош шифокор муовини  Л.Р.Тожибоев

Комиссия аъзолари: КУК раиси  К.Шакиров

Ҳуқуқшунос  У.Асранов

Иқтисодчи  О.Маматрахимов

Врач диетолог  У.Абдуллаев

Ҳисобчи  М.Талипов